

**Тўлов контракт (уч томонлама контракт) асосида мутахассис тайёрлашга оид
КОНТРАКТ № _____**

Самарқанд шахри

« ____ » _____ 20 й.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2012 йил 28 декабрдаги 508-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва ундан маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисида”ги низомга (2013 йил 26-февралда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2431-сон билан рўйхатга олинган) мувофиқ

**Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори _____
бир томондан, иккинчи томондан**

(раҳбарнинг ФИШ, лавозими, кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб аталади)

ва _____ йилда туғилган _____

манзилда яшовчи _____ учинчи томондан
(абитуриентнинг фамилияси, исми, шарифи)

_____ бўйича
(таълим йўналиши (мутахассислик) номи)

_____ бакалавр, магистр
(олий маълумотли) қилиб тайёрлаш тўғрисидаги мазкур контрактни туздилар.

I. Контрактнинг кучга кириш ва амал қилиш муддати

Контракт икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлади. Контракт иккала томонлар уни имзолаган кундан бошлаб кучга қиради. Ушбу контракт бутун ўқув даври (бакалаврият таълим йўналиши талабалари учун ўқиш муддати тўрт йил, магистратура мутахассислиги талабалари учун икки йил учун, яъни 20__ йилдан 20__ йилгача амал қилади.

Талабага академик таътил берилганда, шартноманинг амал қилиш муддати академик таътил муддатларига мувофиқ узайтирилади.

Талаба талабалар сафидан четлатилганда, ўқишини бошқа олий таълим муассасасига кўчирганда, тарафлар томонидан ўз зиммаларига юклатилган вазифалар бажарилмаган ҳолларда тарафлардан бирининг ташаббуси билан мазкур контракт муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин. Контрактга ўзгартириш ва қўшимчалар томонларнинг келишувига кўра киритилади.

II. Ҳисоб-китоб қилиш тартиби ва миқдори

_____ ўқув йили учун контракт миқдори _____

_____ сўмни, унинг 50 фоизи

_____ сўмни ташкил этади.

Таълим тўлови миқдори Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан олий ва ўрта махсус таълим муассасаларига эга бўлган тегишли вазирликлар ва идоралар билан келишилган ҳолда белгиланади.

Энг кам иш ҳақи ёки тарифлар ўзгарганда, қолган вақт учун таълим тўловининг суммаси ҳам мувофиқ равишда ўзгаради. Бунда шартномаларга тегишли ўзгартиришлар киритилади.

Талаба томонидан контракт қийматларини тўлаш нақд пул ёки нақд пулсиз шаклда, контракт қийматини институтнинг тегишли ҳисоб рақамига ўтказиш орқали амалга оширилади.

Контракт қийматларини тўлаш тартиби қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

Битирувчи курс талабаларининг охирги ўқув йили (қисмларга бўлиб тўланганда охирги ўқув семестри) учун тўлов, тўловнинг белгиланган миқдоридан июль-август ойлари учун тўланадиган стипендия миқдорини чегириб қолиш орқали амалга оширилади. Бунда чегириб қолинадиган стипендия миқдори контракт асосида ўқитиш учун тўлов миқдорининг охирги белгиланган стипендиянинг миқдори 0,75 коэффициенти қўлланган базавий миқдордан келиб чиқиб аниқланади.

Ш. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

1) Таълим муассасаси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

абитуриент бир йиллик контракт қийматининг камида 50% ни 15 сентябрдан кечиктирмасдан тўланганидан сўнг, таълим муассасаси томонидан абитуриентнинг ўқишга қабул қилинганлиги тўғрисида буйруқ чиқариш;

талаба (абитуриент) томонидан контракт қийматларини ўз вақтида тўланишини талаб қилиш;

талабанинг Ўзбекистон Республикасининг амалдаги олий таълим тизимига оид қонун ҳужжатларида таълим муассасаси Уставида ҳамда ички тартиб-қоидаларида белгиланган мажбуриятларини бажаришини талаб қилиш;

талабани оммавий ва жамоат тадбирларида, умумхалқ хашарларида иштирок этишга жалб этиш;

талаба томонидан ўзига юклатилган мажбуриятлар бажарилмаганда ёки ўқув интизоми, ички тартиб-қоидалар бузилганда, шунингдек талаба бир семестр давомида 30 соатдан ортиқ сабабсиз дарс қолдирганида талабага Хайфсан эълон қилиш;

талаба фанларни академик ўзлаштира олмаганлиги (қарздорлиги), ўқув интизомини ва олий таълим муассасасининг ички тартиб-қоидаларини бузганлиги, бир семестр давомида дарсларни узрли сабабларсиз 74 соатдан ортиқ қолдирганлиги, ўқиш учун белгиланган тўловни ўз вақтида амалга оширмаганлиги, суд томонидан озодликдан маҳрум этилганлиги ҳамда вафот этганлиги сабабли таълим муассасасининг ташаббуси билан талабалар сафидан четлаштириш; (бунда талабанинг розилиги талаб этилмайди.)

Таълим муассасаси томонидан талаба қуйидаги сабабларга кўра талабалар сафидан четлатилганида талабанинг тегишли ўқув семестри учун амалга оширган тўлови қайтариб берилмайди:

ўқув интизомини ва олий таълим муассасасининг ички тартиб-қоидаларини бузганлиги учун; академик ўзлаштира олмаганлиги (қарздорлиги) учун;

бир семестр давомида дарсларни узрли сабабларсиз 74 соатдан ортиқ қолдирилганлиги сабабли;

ўқитиш учун белгиланган миқдордаги тўловни ўз вақтида амалга оширилмаганлиги учун.

2) Таълим муассасасининг мажбуриятлари:

Талабанинг ўқиши учун Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда таълим муассасаси Уставида назарда тутилган зарур шарт-шароитларни яратади.

Талабани тегишли мутахассислик бўйича Олий таълимнинг давлат таълим стандартлари билан тасдиқланган ўқув режаси ва дастурларига мувофиқ давлат таълим стандарти талаблари даражасида тайёрлайди.

Талабага ўрнатилган муддат ва тартибда стипендия тўловларини амалга оширади.

Бошланадиган ўқув йили (семестри)да ўқитиш учун тўловнинг белгиланган миқдори тўғрисида талаба (абитуриент ёки уларнинг ота-онаси ёхуд уларнинг ўрнини босувчи шахслар)га ўз вақтида (ўқув жараёни бошланишидан бир ой олдин), шунингдек энг кам ойлик иш ҳақи миқдори ёки тарифлар ўзгарганда, ўқитишнинг қолган муддати учун ҳақ тўлаш миқдори ўзгарганлиги ҳақида хабар беради.

Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, таълим муассасасини тамомлаган битирувчиларга тегишли мутахассислик бўйича давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжат (диплом) берилади. Дипломга ўзлаштирилган фанлар рўйхати, уларнинг ҳажмлари ва фанларга қўйилган баҳолар ёзилган варақа илова қилинади.

3) Талаба (абитуриент)нинг ҳуқуқлари:

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда таълим муассасаси Уставида назарда тутилган зарур шарт-шароитлардан фойдаланиш;

Тегишли мутахассислик бўйича Олий таълимнинг давлат таълим стандартлари билан тасдиқланган ўқув режаси ва дастурларига мувофиқ давлат таълим стандарти талабларига мос равишда билим ва кўникмаларни олиш;

ҳар ойда ўрнатилган муддат ва тартибда стипендия олиш;

талаба (абитуриент ёки уларнинг ота-онаси ёхуд уларнинг ўрнини босувчи шахслар) бошланадиган ўқув йили (семестри) да ўқитиш учун тўловнинг белгиланган миқдори тўғрисида ўз вақтида (ўқув жараёни бошланишидан бир ой олдин), шунингдек энг кам ойлик иш ҳақи миқдори ёки тарифлар ўзгарганда, ўқитишнинг қолган муддати учун ҳақ тўлаш миқдори ўзгарганлиги ҳақида хабардор бўлиш;

таълим муассасасини муваффақиятли тамомлаган битирувчи талаба тегишли мутахассислик бўйича давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжатни (диплом) олиш. (Дипломга ўзлаштирилган фанлар рўйхати, уларнинг ҳажмлари ва фанларга қўйилган баҳолар ёзилган варақа илова қилинади)

4) Талаба (абитуриент ёки уларнинг ота-онаси ёхуд уларнинг ўрнини босувчи шахслар)нинг мажбуриятлари:

Ўқув йили учун белгиланган ўқитишнинг тўлиқ қийматини ўз вақтида (ҳар йили, тўлиқ ёки икки марта бўлиб) тўлашни ўз зиммасига олади.

Ўқитиш учун тўлов ҳақининг камида 50 фоизини талабаликка тавсия этилган абитуриентлар учун 15 сентябргача, иккинчи ва ундан кейинги босқич талабалари учун 1 октябргача, қолган қисмини (қисмларга бўлиб тўланган ҳолларда ҳам) 1 мартгача таълим муассасаси ҳисобига ўтказиши.

Энг кам ойлик иш ҳақи миқдори ёки тарифлар ўзгарганда, ўқитишнинг қолган муддати учун ҳақ тўлаш миқдори ўзгарганлиги муносабати билан ўз вақтида ва муддатларда контрактга ўзгартириш киритиш учун таълим муассасасига мурожаат этади.

Ўқув интизомига риоя қилади.

Оммавий ва жамоат тадбирларида, хайрия ҳашарларида иштирок этади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги олий таълим тизимига оид қонун ҳужжатларида, таълим муассасасига Уставида ҳамда ички тартиб-қоидаларида белгиланган бошқа мажбуриятларини бажариб боради.

IV. Контрактни бекор қилиш асослари

1) Контракт куйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- а) томонларнинг ўзаро розилиги билан;
- б) таълим муассасаси маъмуриятининг ташаббуси билан унинг уставига кўра, таълим олувчи ўқишдан четлаштирилганда;
- в) томонлардан бирининг контракт шартларини бажармаганида;
- г) узрли сабаблар билан таълим олувчининг ташаббусига кўра;
- д) таълим муассасаси ёки ташкилот – буюртмачи тугатилганида; (Ушбу ҳолда томонлар ўртасида янги контракт расмийлаштирилади)
- е) амалдаги қонунчиликда кўрсатилган бошқа ҳолларда.

V. Низоларни ҳал этиш тартиби

Томонлар ўртасида пайдо бўладиган низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида ҳал этилади.

Томонларнинг юридик манзиллари:

Таълим муассасаси:

Почта манзили: 140104
Самарқанд ш. Бўстонсарой, 93-уй
Телф/факс 210-00-18
ш/х: 400910860184017950100079003
бюджетдан маблағ олувчи СТИРи:
202001213
ОКОНХ: 92210
Молия Вазирлиги Ғазначилиги
Ягона Ғазна х/в:
23402000300100001010
Банкнинг номи: Марказий банк
ХККМ
Тошкент шаҳар Бош Бошқармаси
МФО: 00014
Ғазна СТИРи: 201122919

Буюртмачи (жисмоний шахс)

Почта
манзили _____

Тўлов
реквизитлари _____

Талаба

ФИШ _____

Почта манзили: _____

паспорт серияси _____

рақами _____

(паспорт ким томонидан қачон берилган)

**Таълим муассасасининг
рахбари** _____

имзо (Ф.И.Ш.)

М.Ў.

Бош ҳисобчи _____

имзо (Ф.И.Ш.)

Талаба _____